

"Сифатли таълим-кучли жамият" шиори остида "Иккинчи устозлар миллий форуми" ўтказилди



Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2023-йил 14-иулдаги "Иккинчи устозлар миллий форуми" га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида ги 206-сонли буйруғи билан туманларда "Устозлар миллий форуми"ни жорий йилнинг 22-24-август кунлари ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан Қумқўрғон туманидаги 33-сонли умумтаълим мактабида "Сифатли таълим-кучли жамият" шиори остида "Иккинчи устозлар миллий форуми" туман босқичи ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокими Анвар Нормаматов, туман ҳокимининг ўринbosари Нормўмин Алланазаров, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Рамазон Нармуратов ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бўлими масъул ходимлари, мактаб директорлари, ўринbosарлари ва тренер ўқитувчилар иштирок этди.

Тадбир давомида таълим-тарбия тизимида алоҳида ўrnak кўrsatgan фаол, ташабbuskor ва изланувчан таълим фидойилари туман ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.